юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 4,8 баравари		
б) ҳуқуқий муҳофаза қилишга қарши апелляциялар			
ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуқларига доир ёки интеграл микросхемалар топологияларини			

Старая редакция		Новая редакция
рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома беришга қарши апелляциялар		
жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 4 баравари	
юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 8 баравари	
в) муҳофаза ҳужжатининг амал қилишига қарши апелляциялар		
ихтиро, фойдали модель, саноат намуналари, селекция ютуқларига патентларнинг ҳақиқийлигига қарши апелляциялар		
жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 6 баравари	
юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 12 баравари	
товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, географик кўрсаткичдан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлигига қарши апелляциялар		
жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 6 баравари	
юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 12 баравари	
интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, географик кўрсаткичдан ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини тугатилиши тўғрисидаги апелляциялар		
жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 6 баравари	
юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 12 баравари	
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгини халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишига қарши апелляциялар		
жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 6 баравари	
юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 12 баравари	
г) географик кўрсаткични ва товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисидаги апелляциялар		
жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 4 баравари	
юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 8 баравари	

Старая редакция	Новая редакция
д) Ўзбекистон Республикасида барчага маълум бўлган товар белгисини эътироф этиш тўғрисидаги аризалар	
жисмоний шахс томонидан — БҲМнинг 8 баравари	
юридик шахс томонидан — БҲМнинг 16 баравари	
е) сўралаётган материалларни тақдим этиш муддатларини узайтирганлик учун	
жисмоний шахс томонидан — БҲМнинг 40 фоизи	
юридик шахс томонидан — БҲМнинг 80 фоизи	
15. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасининг ҳуқуқий муҳофазаси	15. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасининг ҳуқуқий муҳофазаси
в) ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун	в) ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун
ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш	ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани рўйхатдан ўтказиш
жисмоний шахс томонидан — БҲМнинг2 баравари	битта ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси учун
юридик шахс томонидан — БҲМнинг 4 баравари	жисмоний шахс томонидан БҲМнинг 2 баравари
	юридик шахс томонидан БҲМнинг 4 баравари
ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш	шартномада кўрсатилган биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базалари учун
	жисмоний шахс томонидан БҲМнинг 1 баравари
	юридик шахс томонидан БҲМнинг 2 баравари
	ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш бўйича лицензия шартномасини рўйхатдан ўтказиш
	битта ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси учун

Старая редакция			Новая редакция	
	юридик шахс томонидан	— БҲМнинг2 баравари	жисмоний шахс томонидан	БҲМнинг 1 баравари
			юридик шахс томонидан	БҲМнинг 2 баравари
	г) ўзгартиришлар киритиш учун		шартномада кўрсатилган биттадан ортиқ бўлган ҳар бир ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базалари учун	
	расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабномага тузатишлар, аниқликлар ва тўлдиришлар киритиш		жисмоний шахс томонидан	БҲМнинг 50 фоизи
			юридик шахс томонидан	БҲМнинг 1 баравари
	жисмоний шахс томонидан	— БҲМнинг 40 фоизи	г) ўзгартиришлар киритиш учун	
			расмий рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабномага тузатишлар, аниқликлар ва тўлдиришлар киритиш	
			жисмоний шахс томонидан	БҲМнинг 40 фоизи
			юридик шахс томонидан	БҲМнинг 80 фоизи
	юридик шахс томонидан	— БҲМнинг 80 фоизи	ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир гувоҳномага ўзгартиришлар киритиш	
			жисмоний шахс томонидан	БҲМнинг 50 фоизи
			юридик шахс томонидан	БҲМнинг 1 баравари
			ЭҲМ учун яратилган дастурга ва маълумотлар базасига доир шартномага ўзгартиришлар киритиш	
			жисмоний шахс томонидан	БҲМнинг 50 фоизи
			юридик шахс томонидан	БҲМнинг 1 баравари

Ўзбекистон РеспубликасиНИНг
Қонуни
Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида

38-модда. Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди	38-модда. Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди

Старая редакция	Новая редакция
Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фондини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди таркибига давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари киради.	Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фондини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди таркибига давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари киради.
Давлат картография-геодезия фонди геодезия ва картография фаолияти натижасида яратилган, умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда сақланиши лозим бўлган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ўз ичига олади.	Давлат картография-геодезия фонди геодезия ва картография фаолияти натижасида яратилган, умумдавлат аҳамиятига молик бўлган ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда муддатларда сақланиши лозим бўлган геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ўз ичига олади.
Давлат картография-геодезия фонди махсус ваколатли давлат органининг тасарруфида бўлади.	Давлат картография-геодезия фонди махсус ваколатли давлат органининг тасарруфида бўлади.
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг картография-геодезия фонди унинг ўз тасарруфида бўлади.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг картография-геодезия фонди унинг ўз тасарруфида бўлади.
Идоравий картография-геодезия фондлари махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ўз ичига олади ҳамда тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тасарруфида бўлади.	Идоравий картография-геодезия фондлари махсус (тармоққа оид) аҳамиятга молик геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) ўз ичига олади ҳамда тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва хўжалик бошқаруви органларининг тасарруфида бўлади.
Геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) давлат ва идоравий картография-геодезия фондларига топшириш тартиби, шунингдек уларнинг таркиби, тури ва шаклларига доир талаблар давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги	Геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) давлат ва идоравий картография-геодезия фондларига топшириш тартиби, шунингдек уларнинг таркиби, тури ва шаклларига доир талаблар давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги

Старая редакция	Новая редакция
низомларда белгиланади. Давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларда мавжуд бўлган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) рўйхатлари фондларнинг сақловчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.	низомларда белгиланади. Давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларда мавжуд бўлган геодезия ва картографияга доир материаллар (маълумотлар) рўйхатлари фондларнинг сақловчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси **Адлия вазирлиги** ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.
Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг белгиланган тартибда Миллий архив фонди таркибига киритилган геодезия ва картографияга доир материаллари (маълумотлари) архив иши тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олинади, сақланади ва улардан фойдаланилади.	Ўзбекистон Республикаси картография-геодезия фондининг белгиланган тартибда Миллий архив фонди таркибига киритилган геодезия ва картографияга доир материаллари (маълумотлари) архив иши тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олинади, сақланади ва улардан фойдаланилади.
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид ишларни бажарувчи геодезия ва картография фаолияти субъектлари ўзи яратган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) бир нусхасини давлат картография-геодезия фондига бепул бериши шарт.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид ишларни бажарувчи геодезия ва картография фаолияти субъектлари ўзи яратган умумдавлат аҳамиятига молик геодезия ва картографияга доир материалларнинг (маълумотларнинг) бир нусхасини давлат картография-геодезия фондига бепул бериши шарт.
Геодезия ва картография фаолияти субъектларининг геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) давлат картография-геодезия фондига топшириши, ушбу материалларнинг (маълумотларнинг) сақланиши ҳамда улардан фойдаланилиши, идоравий картография-геодезия фондларининг давлат реестри юритилиши устидан давлат геодезия назорати махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.	Геодезия ва картография фаолияти субъектларининг геодезия ва картографияга доир материалларни (маълумотларни) давлат картография-геодезия фондига топшириши, ушбу материалларнинг (маълумотларнинг) сақланиши ҳамда улардан фойдаланилиши, идоравий картография-геодезия фондларининг давлат реестри юритилиши устидан давлат геодезия назорати махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида	
2-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги **қонун ҳужжатлари** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги **қонун ҳужжатлари** ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.	2-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги **қонунчилик** Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги **қонунчилик** ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир
5-модда. Қонунийлик принципи Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа **қонун ҳужжатлари** талабларига оғишмай риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай четга чиқиш, уларнинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликни бузишдир ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.	5-модда. Қонунийлик принципи Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа **қонунчилик ҳужжатлари** талабларига оғишмай риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай четга чиқиш, уларнинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликни бузишдир ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.
9-модда. Миллий гвардиянинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлиги Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда	9-модда. Миллий гвардиянинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлиги Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда

Старая редакция	Новая редакция
фуқаролар билан **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Миллий гвардияга унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.	фуқаролар билан **қонунчиликда** белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Миллий гвардияга унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт.
14-модда. Миллий гвардия ҳайъати Миллий гвардияда Миллий гвардия қўмондони, унинг ўринбосарлари, марказий девони бўлинмаларининг бошлиқлари ва Миллий гвардия органларининг раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Миллий гвардия ҳайъати маслаҳат органи бўлиб, у **қонун ҳужжатларининг**, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг, Миллий гвардия қўмондони буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижро этилиши ҳолатига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга тааллуқли масалаларни ҳамда Миллий гвардия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.	14-модда. Миллий гвардия ҳайъати Миллий гвардияда Миллий гвардия қўмондони, унинг ўринбосарлари, марказий девони бўлинмаларининг бошлиқлари ва Миллий гвардия органларининг раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Миллий гвардия ҳайъати маслаҳат органи бўлиб, у **қонунчилик ҳужжатларининг**, Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларининг, Миллий гвардия қўмондони буйруқлари ва кўрсатмаларининг ижро этилиши ҳолатига, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга тааллуқли масалаларни ҳамда Миллий гвардия зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.
15-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари Миллий гвардия органларида ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларидир.	15-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари Миллий гвардия органларида ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларидир.

Старая редакция	Новая редакция
Ҳарбий хизматчилар махсус унвонлар берилган ва ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контрактнинг амал қилиши тугатилган ҳолда Миллий гвардия ходимлари лавозимларига тайинланиши мумкин. Миллий гвардия олий ҳарбий таълим муассасаларининг битирувчилари махсус унвонлар берилган ҳолда ходимлар лавозимларига тайинланиши мумкин. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан Миллий гвардия органларида ҳарбий хизматни ўташ тартиби **қонун ҳужжатларида** белгиланади.	Ҳарбий хизматчилар махсус унвонлар берилган ва ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контрактнинг амал қилиши тугатилган ҳолда Миллий гвардия ходимлари лавозимларига тайинланиши мумкин. Миллий гвардия олий ҳарбий таълим муассасаларининг битирувчилари махсус унвонлар берилган ҳолда ходимлар лавозимларига тайинланиши мумкин. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан Миллий гвардия органларида ҳарбий хизматни ўташ тартиби **қонунчилик ҳужжатларида** белгиланади.
17-модда. Миллий гвардия ходимлари томонидан хизматни ўташ тартиби **Миллий гвардия ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Миллий гвардия ходимларининг хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда ҳамда ушбу Қонунда тартибга солинмаган қисмига нисбатан татбиқ этилади.** Миллий гвардия ходимлари учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Зарур бўлган ҳолларда, Миллий гвардия ходимлари хизматни ўташга кучайтирилган ёки суткалик режимда жалб қилиниши мумкин.	17-модда. Миллий гвардия ходимлари томонидан хизматни ўташ тартиби **Миллий гвардия ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши Миллий гвардия органларида хизматни ўташ масалаларини белгиловчи қонунчиликда ва ушбу Қонунда тартибга солинмаган қисмига нисбатан татбиқ этилади.** Миллий гвардия ходимлари учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Зарур бўлган ҳолларда, Миллий гвардия ходимлари хизматни ўташга кучайтирилган ёки суткалик режимда жалб қилиниши мумкин.

Старая редакция	Новая редакция
Кучайтирилган режим Миллий гвардия ходимлари учун кунига иш вақтидан ташқари давомийлиги тўрт соатдан ошмайдиган иш белгиланишини назарда тутади. Суткалик режим Миллий гвардия ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига умумқўшин паёги нормалари доирасида белгиланадиган озиқ-овқат паёгини компенсация қилиш ўрнига хизматни ўташ жойида уч маҳал бепул овқатланган ҳолда хизматни суткалик ўташ белгиланишини назарда тутади. Кучайтирилган ёки суткалик режимни жорий этиш ҳамда бекор қилиш Миллий гвардия қўмондонининг буйруқлари асосида амалга оширилади. Миллий гвардия ходимларига таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ уч кундан ошмайдиган вақт қўшилган ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътил берилади. Миллий гвардия ходимларига қуйидаги календарь ҳисобдаги хизмат даври учун: ўн йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги беш кун; ўн беш йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги ўн кун; йигирма йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.	Кучайтирилган режим Миллий гвардия ходимлари учун кунига иш вақтидан ташқари давомийлиги тўрт соатдан ошмайдиган иш белгиланишини назарда тутади. Суткалик режим Миллий гвардия ходимлари учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларига умумқўшин паёги нормалари доирасида белгиланадиган озиқ-овқат паёгини компенсация қилиш ўрнига хизматни ўташ жойида уч маҳал бепул овқатланган ҳолда хизматни суткалик ўташ белгиланишини назарда тутади. Кучайтирилган ёки суткалик режимни жорий этиш ҳамда бекор қилиш Миллий гвардия қўмондонининг буйруқлари асосида амалга оширилади. Миллий гвардия ходимларига таътилни ўтказиш жойига бориш ва қайтиш учун зарур бўлган, бироқ уч кундан ошмайдиган вақт қўшилган ҳолда давомийлиги ўттиз календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътил берилади. Миллий гвардия ходимларига қуйидаги календарь ҳисобдаги хизмат даври учун: ўн йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги беш кун; ўн беш йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги ўн кун; йигирма йиллик хизматдан сўнг — давомийлиги ўн беш кун бўлган, ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Старая редакция	Новая редакция
Миллий гвардия ходимларига бошқа турдаги таътиллар ҳам берилиши мумкин.	Миллий гвардия ходимларига бошқа турдаги таътиллар ҳам берилиши мумкин.
Миллий гвардия ходимларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади.	Миллий гвардия ходимларига илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш тақиқланади.
Хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришганлик, хизмат мажбуриятларини намунали тарзда бажарганлик, бенуқсон хизмат қилганлик ва Миллий гвардия тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга ҳисса қўшганлик, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатганлик, илмий-тадқиқот ишларини амалга оширганлик ҳамда бошқа алоҳида хизматлари учун Миллий гвардия ходимлари Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишга тақдим этилиши, шунингдек Миллий гвардия қўмондони томонидан таъсис этиладиган фарқловчи идоравий белгилар билан мукофотланиши мумкин.	Хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришганлик, хизмат мажбуриятларини намунали тарзда бажарганлик, бенуқсон хизмат қилганлик ва Миллий гвардия тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга ҳисса қўшганлик, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва жасорат кўрсатганлик, илмий-тадқиқот ишларини амалга оширганлик ҳамда бошқа алоҳида хизматлари учун Миллий гвардия ходимлари Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишга тақдим этилиши, шунингдек Миллий гвардия қўмондони томонидан таъсис этиладиган фарқловчи идоравий белгилар билан мукофотланиши мумкин.
Миллий гвардия ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қуйидагилар тушунилади:	Миллий гвардия ходимининг хизмат мажбуриятларини бажариши деганда қуйидагилар тушунилади:
лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш;	лавозим мажбуриятларини бажариш ва жанговар ҳаракатларда иштирок этиш;
хизматни (жанговар хизматни) ўташ;	хизматни (жанговар хизматни) ўташ;
хизмат сафарида ёки даволанишда бўлиш;	хизмат сафарида ёки даволанишда бўлиш;
кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки агар хизмат зарурати шуни тақозо этса, Миллий гвардия органлари ҳудудида бўлиш;	кун тартибида белгиланган хизмат вақти давомида ёки агар хизмат зарурати шуни тақозо этса, Миллий гвардия органлари ҳудудида бўлиш;

Старая редакция	Новая редакция
хизмат, даволаниш жойига бориш ёки у ерлардан қайтиш; йиғинларда иштирок этиш; асирликда бўлиш (бундан ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш; бедарак кетиш — ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар; шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар; қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш; суд томонидан Миллий гвардия ходимининг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.	хизмат, даволаниш жойига бориш ёки у ерлардан қайтиш; йиғинларда иштирок этиш; асирликда бўлиш (бундан ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари мустасно), гаровга олинган ёки ушлаб қуролсизлантирилган ҳолатда бўлиш; бедарак кетиш — ходим қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилгунига ёки вафот этган деб эълон қилингунига қадар; шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ҳаракатлар; қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда бошқа шахсларга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам кўрсатиш; суд томонидан Миллий гвардия ходимининг шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топилган бошқа ҳаракатлари.
19-модда. Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилиш Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) тегишли маълумотга эга бўлган, соғлиғининг ҳолатига ва жисмоний тайёргарлигига кўра Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.	19-модда. Миллий гвардияга хизматга қабул қилиш Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) тегишли маълумотга эга бўлган, соғлиғининг ҳолатига ва жисмоний тайёргарлигига кўра Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) хизмат мажбуриятларини бажаришга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Старая редакция	Новая редакция
Ҳарбий хизматга фуқаролар умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонун ҳужжатларига** мувофиқ қабул қилинади. Хизматга ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ва ўттиз ёшдаги фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Миллий гвардия ходимларининг хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қабул қилинади. Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилиш тартиби Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади. Зарур бўлган ҳолларда, Миллий гвардиянинг айрим бўлинмаларига, Миллий гвардия ходимлари лавозимига ўттиз ёшдан катта бўлган фуқаролар, агар улар хизматда бўлишнинг энг юқори ёшига тўлган пайтида кўп йиллик хизмати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлса, қабул қилиниши мумкин. Миллий гвардиянинг ўттиз ёшдан катта фуқаролар қабул қилинадиган айрим бўлинмалари ва лавозимларининг рўйхати Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади. Эркаклар Миллий гвардияга хизматга киргунига, Миллий гвардия ходими лавозимига тайинлангунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташи ёхуд олий ўқув юртларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиши керак.	Ҳарбий хизматга фуқаролар умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларига** мувофиқ қабул қилинади. Хизматга ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ва ўттиз ёшдаги фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Миллий гвардия ходимларининг хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ қабул қилинади. Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилиш тартиби Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади. Зарур бўлган ҳолларда, Миллий гвардиянинг айрим бўлинмаларига, Миллий гвардия ходимлари лавозимига ўттиз ёшдан катта бўлган фуқаролар, агар улар хизматда бўлишнинг энг юқори ёшига тўлган пайтида кўп йиллик хизмати учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлса, қабул қилиниши мумкин. Миллий гвардиянинг ўттиз ёшдан катта фуқаролар қабул қилинадиган айрим бўлинмалари ва лавозимларининг рўйхати Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади. Эркаклар Миллий гвардияга хизматга киргунига, Миллий гвардия ходими лавозимига тайинлангунига қадар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни ўташи ёхуд олий таълим ташкилотларида ҳарбий тайёргарликдан ўтиши керак.

Старая редакция	Новая редакция
Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан ходимлар Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда, Миллий гвардия қўмондонининг қарорига кўра қабул қилиниши мумкин. Сиёсий партияларнинг аъзолари бўлган, Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилинган фуқаролар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туради. Миллий гвардиянинг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун тегишли маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қабул қилинади. Миллий гвардиянинг таълим муассасаларида чет эллик фуқаролар **қонун ҳужжатларида** назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўқиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган, бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган фуқаролар, шунингдек содир этган жинояти учун қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти қўлланилганлигидан қатъи назар муқаддам судланган фуқаролар Миллий гвардия ходими лавозимига қабул қилиниши мумкин эмас.	Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлардан ходимлар Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда, Миллий гвардия қўмондонининг қарорига кўра қабул қилиниши мумкин. Сиёсий партияларнинг аъзолари бўлган, Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилинган фуқаролар хизматни ўташ даврида сиёсий партияларга аъзоликни тўхтатиб туради. Миллий гвардиянинг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш учун тегишли маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қабул қилинади. Миллий гвардиянинг таълим муассасаларида чет эллик фуқаролар **қонунчиликда** назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўқиши мумкин. Қуйидаги фуқаролар Миллий гвардия ходими лавозимига қабул қилиниши мумкин эмас: а) белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган; б) хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган; в) бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатилган; г) содир этган жинояти учун қўлланилган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганлигидан ёки

Старая редакция	Новая редакция
Миллий гвардия ходими лавозимига қабул қилинган шахслар учун дастлабки синов муддати уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Миллий гвардияга хизматга қабул қилинган ҳарбий хизматга мажбур Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан Миллий гвардия олий ҳарбий таълим муассасаларининг ҳарбий хизматга чақирилувчи бўлган тингловчилари ва курсантлари ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ҳамда Миллий гвардиянинг махсус ҳисобида туради. Миллий гвардиянинг олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантлари биринчи босқичдаги ўқув муддатини тугаллаганидан кейин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳисобланади ва улар таълим муассасаси жойлашган ердаги мудофаа ишлари бўйича ҳудудий бўлим томонидан ҳарбий гувоҳнома берилади.	олиб ташланганлигидан ёхуд амнистия акти ёки авф этиш қўлланилганлигидан қатъи назар муқаддам судланган; д) хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этишни рад этганда ёки Миллий гвардиянинг махсус талабларига жавоб бермаган. Миллий гвардия ходими лавозимига қабул қилинган шахслар учун дастлабки синов муддати уч ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Миллий гвардияга хизматга қабул қилинган ҳарбий хизматга мажбур Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан Миллий гвардия олий ҳарбий таълим муассасаларининг ҳарбий хизматга чақирилувчи бўлган тингловчилари ва курсантлари ҳарбий ҳисобдан чиқарилади ҳамда Миллий гвардиянинг махсус ҳисобида туради. Миллий гвардиянинг олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчилари ва курсантлари биринчи босқичдаги ўқув муддатини тугаллаганидан кейин муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ҳисобланади ва улар таълим муассасаси жойлашган ердаги мудофаа ишлари бўйича ҳудудий бўлим томонидан ҳарбий гувоҳнома берилади.
22-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) бўшатиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини ҳарбий хизматдан бўшатиш тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва	22-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) бўшатиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини ҳарбий хизматдан бўшатиш тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва

Старая редакция	Новая редакция
ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонун ҳужжатларида** белгиланади. Миллий гвардиянинг ходимини хизматдан бўшатишга қуйидагилар асос бўлади: ўз хоҳиши бўйича (пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганлар учун) — ходимнинг билдиргиси асосида; хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етганлиги; пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги — ходимнинг билдиргиси асосида; ташкилий-штат ўзгаришлари; касаллиги — ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлик тўғрисидаги хулосаси асосида; соғлиғининг чекланганлиги ҳолати — ҳарбий-тиббий комиссиянинг Миллий гвардиядаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида; дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги; малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги — аттестация натижалари асосида; хизмат интизомини қўпол равишда бузганлиги;	ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларида** белгиланади. Миллий гвардиянинг ходимини хизматдан бўшатишга қуйидагилар асос бўлади: ўз хоҳиши бўйича (пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтамаганлар учун) — ходимнинг билдиргиси асосида; хизматда бўлишнинг белгиланган ёш чегарасига етганлиги; пенсия олиш ҳуқуқини берадиган хизмат муддатини ўтаганлиги — ходимнинг билдиргиси асосида; ташкилий-штат ўзгаришлари; касаллиги — ҳарбий-тиббий комиссиянинг хизматга яроқсизлик тўғрисидаги хулосаси асосида; соғлиғининг чекланганлиги ҳолати — ҳарбий-тиббий комиссиянинг Миллий гвардиядаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулосаси асосида; дастлабки синов муддати давомида хизматга яроқсизлиги; малакаси етарли эмаслиги оқибатида эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги — аттестация натижалари асосида; хизмат интизомини қўпол равишда бузганлиги;

Старая редакция	Новая редакция
Миллий гвардия ходимининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги; содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганлиги; ходимда интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги; бошқа давлат органига хизматга ўтганлиги (кадрларнинг амалдаги захирасига киритилмаган ҳолда); Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бекор қилинганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги; ходимлар учун **қонун ҳужжатларида** белгиланган чекловлар ва тақиқларга риоя этмаганлиги. Қуйидаги ҳолларда ходимларнинг хизматдан бўшатилишига йўл қўйилмайди: тиббиёт муассасаларида даволанишда бўлганида, улар Миллий гвардиянинг ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт муассасалари томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсиз деб топилганда; таътилда ёки хизмат сафарида бўлганда; асирга ёки гаровга олинганда (бундан ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари мустасно). Ходимга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган, судда кўрилаётган жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилинмаган ёки суд ҳукми қонуний	Миллий гвардия ходимининг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар содир этганлиги; содир этган жинояти учун суднинг ҳукми, ажрими, қарори қонуний кучга кирганлиги; ходимда интизомий жазо чораси мавжуд бўлган тақдирда, мунтазам равишда хизмат интизомини бузганлиги; бошқа давлат органига хизматга ўтганлиги (кадрларнинг амалдаги захирасига киритилмаган ҳолда); Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бекор қилинганлиги ёки чет давлат фуқаролигини олганлиги; ходимлар учун **ушбу Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида** белгиланган чекловлар ва тақиқларга риоя этмаганлиги. Қуйидаги ҳолларда ходимларнинг хизматдан бўшатилишига йўл қўйилмайди: тиббиёт муассасаларида даволанишда бўлганида, улар Миллий гвардиянинг ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт муассасалари томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсиз деб топилганда; таътилда ёки хизмат сафарида бўлганда; асирга ёки гаровга олинганда (бундан ўз ихтиёри билан асирга тушиш ҳоллари мустасно). Ходимга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган, судда кўрилаётган жиноят иши бўйича

Старая редакция	Новая редакция
кучга кирмаган бўлса, у хизматдан бўшатилиши мумкин эмас. Ходим юқори турувчи мансабдор шахсларга ёки судга мурожаат қилиш орқали ўзининг хизматдан бўшатилиши устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Хизматдан бўшашга қарор қилган ходим бўшаш режалаштирилаётган кундан камида икки ой аввал бўлинма бошлиғига (командирига) билдирги билан мурожаат этади. Ходимларни хизматдан бўшатиш: «подполковник» махсус унвонигача, шу жумладан «подполковник» унвонидагиларни ҳам — Миллий гвардия қўмондонининг ёки хизматга қабул қилиш ваколатига эга бўлган Миллий гвардия бўлинмаси бошлиғининг буйруғи билан; «полковник» ва ундан юқори махсус унвондагиларни — белгиланган тартибда Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан амалга оширилади. Ходим хизмат муддати календарь ҳисобда йигирма йилга етганидан сўнг ўтаган хизмат муддати бўйича пенсия олиш ҳуқуқини берувчи бўшатилиш ҳуқуқига эга бўлади, бу муддат Миллий гвардиянинг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ва хорижий давлатларнинг (халқаро шартномаларга мувофиқ Миллий гвардия томонидан йўлланганлар учун) олий таълим муассасаларида, Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий	якуний қарор қабул қилинмаган ёки суд ҳукми қонуний кучга кирмаган бўлса, у хизматдан бўшатилиши мумкин эмас. Ходим юқори турувчи мансабдор шахсларга ёки судга мурожаат қилиш орқали ўзининг хизматдан бўшатилиши устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Хизматдан бўшашга қарор қилган ходим бўшаш режалаштирилаётган кундан камида икки ой аввал бўлинма бошлиғига (командирига) билдирги билан мурожаат этади. Ходимларни хизматдан бўшатиш: «подполковник» махсус унвонигача, шу жумладан «подполковник» унвонидагиларни ҳам — Миллий гвардия қўмондонининг ёки хизматга қабул қилиш ваколатига эга бўлган Миллий гвардия бўлинмаси бошлиғининг буйруғи билан; «полковник» ва ундан юқори махсус унвондагиларни — белгиланган тартибда Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан амалга оширилади. Ходим хизмат муддати календарь ҳисобда йигирма йилга етганидан сўнг ўтаган хизмат муддати бўйича пенсия олиш ҳуқуқини берувчи бўшатилиш ҳуқуқига эга бўлади, бу муддат Миллий гвардиянинг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ва хорижий давлатларнинг (халқаро шартномаларга мувофиқ Миллий гвардия томонидан йўлланганлар учун) олий таълим муассасаларида, Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш, Ўзбекистон

Старая редакция	Новая редакция
хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ даврини ҳам ўз ичига олади. Ходимлар ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги), бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги муносабати билан Миллий гвардиянинг шахсий таркиби рўйхатидан чиқарилади. Суднинг бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори бекор қилинган тақдирда, бедарак йўқолганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги сабабли илгари шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилган шахсларни шахсий таркиб рўйхатига янгитдан киритиш Миллий гвардия қўмондонининг қарорига кўра амалга оширилади.	Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ёки сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ даврини ҳам ўз ичига олади. Ходимлар ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги), бедарак йўқолган деб топилганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги муносабати билан Миллий гвардиянинг шахсий таркиби рўйхатидан чиқарилади. Суднинг бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги қарори бекор қилинган тақдирда, бедарак йўқолганлиги ёки вафот этган деб эълон қилинганлиги сабабли илгари шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилган шахсларни шахсий таркиб рўйхатига янгитдан киритиш Миллий гвардия қўмондонининг қарорига кўра амалга оширилади.
23-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ҳарбий хизмат (хизмат) муддатлари ва уларни узайтириш учун асослар Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат муддатлари ва уларни узайтириш тартиби ушбу модданинг учинчи қисмини ҳисобга олган ҳолда умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонун ҳужжатларида** белгиланади. Миллий гвардияда хизматда бўлишнинг чекланган ёши сафдорлар ва сержантлар таркиби ходимлари учун эллик ёшни, офицерлар таркиби учун — эллик беш ёшни (генераллар учун — олтмиш ёшни), аёллар учун эса	23-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ҳарбий хизмат (хизмат) муддатлари ва уларни узайтириш учун асослар Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий хизмат муддатлари ва уларни узайтириш тартиби ушбу модданинг учинчи қисмини ҳисобга олган ҳолда умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларида** белгиланади. Миллий гвардияда хизматда бўлишнинг чекланган ёши сафдорлар ва сержантлар таркиби ходимлари учун эллик ёшни, офицерлар таркиби учун — эллик беш ёшни (генераллар учун — олтмиш ёшни), аёллар учун эса

Старая редакция	Новая редакция
(мавжуд махсус унвонидан қатъи назар) — эллик ёшни ташкил этади. Миллий гвардиянинг юксак касбий тайёргарликка, эгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига эга бўлган ва соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматни (хизматни) ўташга яроқли ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) хизмат муддати Миллий гвардия қўмондони томонидан ушбу ходимларнинг розилиги билан беш йилгача, Миллий гвардиянинг таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга эса ўн йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин. Хизмат муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор ходимни ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўйича Миллий гвардиядан бўшатиш эҳтимолини истисно этмайди.	(мавжуд махсус унвонидан қатъи назар) — эллик ёшни ташкил этади. Миллий гвардиянинг юксак касбий тайёргарликка, эгаллаб турган лавозимида иш тажрибасига эга бўлган ва соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматни (хизматни) ўташга яроқли ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) хизмат муддати Миллий гвардия қўмондони томонидан ушбу ходимларнинг розилиги билан беш йилгача, Миллий гвардиянинг таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилик лавозимларини эгаллаб турган ва илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга эса ўн йилгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин. Хизмат муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор ходимни ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўйича Миллий гвардиядан бўшатиш эҳтимолини истисно этмайди.
24-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ҳарбий хизматга (хизматга) тиклаш тартиби Ҳарбий хизматчиларни Миллий гвардиядаги ҳарбий хизматга тиклаш тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонун ҳужжатларида** белгиланади. Шахслар ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги ёки хизматдан асоссиз бўшатилганлиги эътироф этилган ҳолларда, уларни Миллий гвардиядаги хизматга тиклаш суднинг қонуний	24-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ҳарбий хизматга (хизматга) тиклаш тартиби Ҳарбий хизматчиларни Миллий гвардиядаги ҳарбий хизматга тиклаш тартиби умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларида** белгиланади. Шахслар ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги ёки хизматдан асоссиз бўшатилганлиги эътироф этилган ҳолларда, уларни Миллий гвардиядаги хизматга тиклаш суднинг қонуний

Старая редакция	Новая редакция
кучга кирган қарори ёхуд Миллий гвардия қўмондонининг қарори асосида амалга оширилади. Хизматга тикланиши лозим бўлган шахсларни шахсий таркиб рўйхатларига киритиш ва лавозимга тайинлаш Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан амалга оширилади. Хизматга тикланишни хоҳловчи шахслар бўшатилган кундан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори чиқарилган кундан эътиборан уч ой муддатда хизматга тиклаш ҳақидаги илтимоснома билан Миллий гвардияга мурожаат қилиши керак. Шахсни Миллий гвардиядаги хизматга тиклаш бўшатилган кундан тикланган кунга қадар бўлган даврни ҳисобга киритиш шарти билан аввалги махсус унвонни бериш, устамаларни ва хизмат йилларини ҳисоблаб чиқариш, аввалги лавозимга тайинлаш ёхуд бунинг имкони бўлмаса, унга тенг ёки бошқа лавозимга тайинлаш орқали амалга оширилади. Агар шахс хизматдан бўшатилган кундан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори кучга кирган кундан эътиборан уч ой муддат ўтганидан кейин Миллий гвардияга мурожаат қилса, уч ойлик муддат ўтган пайтдан эътиборан то хизматга тиклангунига қадар бўлган давр навбатдаги махсус унвонни олиш, устамаларни ҳисоблаш ва пенсия тайинлаш учун хизмат йилларини ҳисоблаш бўйича узлуксиз стажга қўшиб ҳисобланмайди. Уч ойлик муддат узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ушбу давр	кучга кирган қарори ёхуд Миллий гвардия қўмондонининг қарори асосида амалга оширилади. Хизматга тикланиши лозим бўлган шахсларни шахсий таркиб рўйхатларига киритиш ва лавозимга тайинлаш Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан амалга оширилади. Хизматга тикланишни хоҳловчи шахслар бўшатилган кундан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори чиқарилган кундан эътиборан уч ой муддатда хизматга тиклаш ҳақидаги илтимоснома билан Миллий гвардияга мурожаат қилиши керак. Шахсни Миллий гвардиядаги хизматга тиклаш бўшатилган кундан тикланган кунга қадар бўлган даврни ҳисобга киритиш шарти билан аввалги махсус унвонни бериш, устамаларни ва хизмат йилларини ҳисоблаб чиқариш, аввалги лавозимга тайинлаш ёхуд бунинг имкони бўлмаса, унга тенг ёки бошқа лавозимга тайинлаш орқали амалга оширилади. Агар шахс хизматдан бўшатилган кундан ёки суднинг хизматга тиклаш тўғрисидаги қарори кучга кирган кундан эътиборан уч ой муддат ўтганидан кейин Миллий гвардияга мурожаат қилса, уч ойлик муддат ўтган пайтдан эътиборан то хизматга тиклангунига қадар бўлган давр навбатдаги махсус унвонни олиш, устамаларни ҳисоблаш ва пенсия тайинлаш учун хизмат йилларини ҳисоблаш бўйича узлуксиз стажга қўшиб ҳисобланмайди. Уч ойлик муддат узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ушбу давр

Старая редакция	Новая редакция
Миллий гвардия қўмондони томонидан тикланиши мумкин.	Миллий гвардия қўмондони томонидан тикланиши мумкин.
25-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ҳарбий ва махсус унвонлари Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига ҳарбий унвонлар умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда берилади. Миллий гвардия ходимларига қуйидаги махсус унвонлар берилади: сафдорлар таркиби — «сафдор»; сержантлар таркиби — «кичик сержант», «сержант», «катта сержант»; кичик офицерлар таркиби — «лейтенант», «катта лейтенант», «капитан»; катта офицерлар таркиби — «майор», «подполковник», «полковник»; генераллар таркиби — «генерал-майор», «генерал-лейтенант», «генерал-полковник». Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Мардлик ва қаҳрамонлик, юқори профессионаллик ва ватанпарварлик сифатларини кўрсатган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) навбатдаги ҳарбий (махсус) унвон, мавжуд унвонидаги хизмат муддатидан қатъи назар, муддатидан олдин берилиши, шунингдек штат бўйича	25-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ҳарбий ва махсус унвонлари Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига ҳарбий унвонлар умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларида** белгиланган тартибда берилади. Миллий гвардия ходимларига қуйидаги махсус унвонлар берилади: сафдорлар таркиби — «сафдор»; сержантлар таркиби — «кичик сержант», «сержант», «катта сержант»; кичик офицерлар таркиби — «лейтенант», «катта лейтенант», «капитан»; катта офицерлар таркиби — «майор», «подполковник», «полковник»; генераллар таркиби — «генерал-майор», «генерал-лейтенант», «генерал-полковник». Махсус унвонларни бериш ва улардан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади. Мардлик ва қаҳрамонлик, юқори профессионаллик ва ватанпарварлик сифатларини кўрсатган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) навбатдаги ҳарбий (махсус) унвон, мавжуд унвонидаги хизмат муддатидан қатъи назар, муддатидан олдин берилиши, шунингдек штат бўйича

Старая редакция	Новая редакция
эгаллаб турган лавозимидаги ҳарбий (махсус) унвонидан бир поғона юқори унвон берилиши мумкин. Миллий гвардия қўмондонига Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) «полковник» унвонигача бўлган, шу жумладан «полковник» ҳарбий (махсус) унвонларини **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда бериш ҳуқуқига эга.	эгаллаб турган лавозимидаги ҳарбий (махсус) унвонидан бир поғона юқори унвон берилиши мумкин. Миллий гвардия қўмондонига Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) «полковник» унвонигача бўлган, шу жумладан «полковник» ҳарбий (махсус) унвонларини **қонунчиликда** белгиланган тартибда бериш ҳуқуқига эга.
26-модда. Миллий гвардиянинг ҳуқуқлари Миллий гвардия зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳужжатларини, шу жумладан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларни шахсий кўрикдан (тинтувдан) ўтказишни амалга ошириш, ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўздан кечириш, шу жумладан назоратнинг техник ва бошқа воситалари қўлланилган ҳолда кўздан кечириш; фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишини талаб қилиш; турар жойларга ва бошқа объектларга тўсқинликсиз, зарурат бўлганда қулфлаш мосламалари ва бошқа ашёларни бузган ҳолда кириш, бу жойларни жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахслар таъқиб қилинаётганда ёхуд у ерда жиноят содир этилмоқда ёки	26-модда. Миллий гвардиянинг ҳуқуқлари Миллий гвардия зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга: мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳужжатларини, шу жумладан шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларни шахсий кўрикдан (тинтувдан) ўтказишни амалга ошириш, ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўздан кечириш, шу жумладан назоратнинг техник ва бошқа воситалари қўлланилган ҳолда кўздан кечириш; фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишини талаб қилиш; турар жойларга ва бошқа объектларга тўсқинликсиз, зарурат бўлганда қулфлаш мосламалари ва бошқа ашёларни бузган ҳолда кириш, бу жойларни жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахслар таъқиб қилинаётганда ёхуд у ерда жиноят содир этилмоқда ёки

Старая редакция	Новая редакция
содир этилган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яширинаётган шахс бор деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, агар кечиктириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирадиган бўлса, йигирма тўрт соат ичида прокурорга бу ҳақда хабар берган ҳолда, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда қоплаган ҳолда кўздан кечириш; жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни топиш ва ушлаш мақсадида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг турар жойларида ва бошқа объектларида уларнинг розилиги билан вақтинча бўлиш; давлат органларига ва бошқа ташкилотларга бориш, зарур бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш, давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ва бошқа зарур ҳужжатларни ҳамда материалларни сўраш ва олиш; Миллий гвардиянинг иш юритувида бўлган ишлар ва материаллар юзасидан фуқароларни, мансабдор шахсларни чақириш, зарур ҳужжатларни, маълумотларни ҳамда уларнинг кўчирма нусхаларини бепул олиш; фуқароларни ўз розилиги билан Миллий гвардияга кўмаклашишга жалб этиш, кўмаклашган фуқароларни тақдирлаш; давлат органларига ва бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга ҳуқуқбузарликларнинг содир	содир этилган ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан яширинаётган шахс бор деб ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлса, агар кечиктириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остида қолдирадиган бўлса, йигирма тўрт соат ичида прокурорга бу ҳақда хабар берган ҳолда, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини **қонунчиликда** белгиланган тартибда қоплаган ҳолда кўздан кечириш; жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни топиш ва ушлаш мақсадида жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг турар жойларида ва бошқа объектларида уларнинг розилиги билан вақтинча бўлиш; давлат органларига ва бошқа ташкилотларга бориш, зарур бўлган ҳужжатлар ҳамда материаллар билан танишиш, давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, фуқаролардан маълумотларни ва бошқа зарур ҳужжатларни ҳамда материалларни сўраш ва олиш; Миллий гвардиянинг иш юритувида бўлган ишлар ва материаллар юзасидан фуқароларни, мансабдор шахсларни чақириш, зарур ҳужжатларни, маълумотларни ҳамда уларнинг кўчирма нусхаларини бепул олиш; фуқароларни ўз розилиги билан Миллий гвардияга кўмаклашишга жалб этиш, кўмаклашган фуқароларни тақдирлаш; давлат органларига ва бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-

Старая редакция	Новая редакция
этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан жиноятлар ҳолатларини аниқлаш ва суриштирув органларидан яшириниб юрган шахсларни қидириш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш учун бепул фойдаланиш; қўриқланадиган объектларнинг ходимларидан, мансабдор шахсларидан ва бошқа фуқаролардан объектга рухсатнома билан кириш ҳамда унинг ички режимларига риоя этишини талаб қилиш; жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш ва Миллий гвардия органларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб боришни амалга ошириш; қўриқланадиган объектларга қонунга хилоф равишда кириб олган шахслар таъқиб қилинаётганда қўриқланадиган объектлар биноларига монеликсиз кириш ҳамда уларни кўздан кечириш; қўриқланаётган объектларда жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва уларни Миллий гвардия органларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориш учун ташкилотларнинг ҳамда	шароитларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш; давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан жиноятлар ҳолатларини аниқлаш ва суриштирув органларидан яшириниб юрган шахсларни қидириш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш учун бепул фойдаланиш; қўриқланадиган объектларнинг ходимларидан, мансабдор шахсларидан ва бошқа фуқаролардан объектга рухсатнома билан кириш ҳамда унинг ички режимларига риоя этишини талаб қилиш; жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш ва Миллий гвардия органларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб боришни амалга ошириш; қўриқланадиган объектларга қонунга хилоф равишда кириб олган шахслар таъқиб қилинаётганда қўриқланадиган объектлар биноларига монеликсиз кириш ҳамда уларни кўздан кечириш; қўриқланаётган объектларда жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва уларни Миллий гвардия органларига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориш учун ташкилотларнинг ҳамда

Старая редакция	Новая редакция
қўриқланадиган объектлар мулкдорларининг транспорт воситаларидан фойдаланиш; Миллий гвардиянинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ички ишлар органларининг, шунингдек бошқа вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларидан фойдаланиш; фуқаролардан **қонун ҳужжатларига** риоя этишни, ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш; жой участкаларини, турар жойларни, иморатларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш); Миллий гвардиянинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, **қонун ҳужжатларини** такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш; Миллий гвардия органларида давлат санитария ва ёнғин назоратини, шунингдек транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга ошириш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотдан фойдаланиш; Миллий гвардияда ахборотни криптографик ҳимоя қилиш, махсус алоқа, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ҳимоя қилиш, шу жумладан ҳисоблаш техника воситаларида (ахборотлаштириш воситаларида) ишлов бериш чоғида, ахборотлаштириш	қўриқланадиган объектлар мулкдорларининг транспорт воситаларидан фойдаланиш; Миллий гвардиянинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ички ишлар органларининг, шунингдек бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларидан фойдаланиш; фуқаролардан **қонунчиликка** риоя этишни, ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш; жой участкаларини, турар жойларни, иморатларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш); Миллий гвардиянинг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, **қонунчиликни** такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш; Миллий гвардия органларида давлат санитария ва ёнғин назоратини, шунингдек транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга ошириш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотдан фойдаланиш; Миллий гвардияда ахборотни криптографик ҳимоя қилиш, махсус алоқа, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ҳимоя қилиш, шу жумладан ҳисоблаш техника воситаларида (ахборотлаштириш воситаларида) ишлов бериш чоғида, ахборотлаштириш

Старая редакция	Новая редакция
объектларини аттестациядан ўтказиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги, махфий ахборот хавфсизлиги соҳасида фаолиятни ва назоратни амалга ошириш, шунингдек Миллий гвардия органлари фаолиятининг мазкур соҳаларида текширувларни амалга ошириш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотга ишлов бериш ва уни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чоғида фойдаланиладиган ахборотлаштириш техника воситаларини ҳамда ахборотни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш воситаларини сертификатлаштиришга, шунингдек ахборотлаштириш объектларининг Миллий гвардия органларидаги ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан аттестация ўтказишга доир фаолиятни амалга ошириш; Миллий гвардия тизимида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолиятни амалга оширувчи бўлинма ва бошқа тузилмалар (жанговар бўлинма ва тузилмалар бундан мустасно) ташкил этиш. Миллий гвардия **қонун ҳужжатларига** мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.	объектларини аттестациядан ўтказиш, давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги, махфий ахборот хавфсизлиги соҳасида фаолиятни ва назоратни амалга ошириш, шунингдек Миллий гвардия органлари фаолиятининг мазкур соҳаларида текширувларни амалга ошириш; давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотга ишлов бериш ва уни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чоғида фойдаланиладиган ахборотлаштириш техника воситаларини ҳамда ахборотни техник жиҳатдан ҳимоя қилиш воситаларини сертификатлаштиришга, шунингдек ахборотлаштириш объектларининг Миллий гвардия органларидаги ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан аттестация ўтказишга доир фаолиятни амалга ошириш; Миллий гвардия тизимида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолиятни амалга оширувчи бўлинма ва бошқа тузилмалар (жанговар бўлинма ва тузилмалар бундан мустасно) ташкил этиш. Миллий гвардия **қонунчилик ҳужжатларига** мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
27-модда. Миллий гвардиянинг мажбуриятлари Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида:	27-модда. Миллий гвардиянинг мажбуриятлари Миллий гвардия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида:

Старая редакция	Новая редакция
фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриши;	фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриши;
жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши;	жамоат жойларида, шу жумладан кўчаларда, майдонларда, истироҳат боғларида, транспорт магистралларида, вокзалларда, аэропортларда, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказиш чоғида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаши;
ғайриҳуқуқий қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса излари сақланишини таъминлаши;	ғайриҳуқуқий қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса излари сақланишини таъминлаши;
жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа объектларига мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;	жисмоний ва юридик шахсларнинг турар жойларига ҳамда бошқа объектларига мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг хоҳишига хилоф тарзда ёки улар йўқлигида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари (ходимлари) кирганлигининг барча ҳоллари тўғрисида йигирма тўрт соат ичида прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши;
жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;	жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

Старая редакция	Новая редакция
жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши; жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларга тайёргарлик кўришга ҳамда уларни содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ва топиш чораларини кўриши; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши, шунингдек экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича чоралар кўриши; ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини, консуллик муассасаларини ҳамда бошқа ваколатхоналарини, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини, шунингдек Миллий гвардия қўриқлаши лозим бўлган бошқа объектларни қўриқлашни амалга ошириши; хизматга доир ахборотнинг, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаши;	жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши; жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларга тайёргарлик кўришга ҳамда уларни содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ва топиш чораларини кўриши; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриши; ўта муҳим ва тоифаланган объектларни, чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарини, консуллик муассасаларини ҳамда бошқа ваколатхоналарини, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини, шунингдек Миллий гвардия қўриқлаши лозим бўлган бошқа объектларни қўриқлашни амалга ошириши; хизматга доир ахборотнинг, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаши; қўриқлаш фаолияти, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга ошириши; маълумот-ахборот фондларини шакллантириши, ҳисоб-ахборот тизимини яратиши, ҳисобни, давлат

Старая редакция	Новая редакция
қўриқлаш фаолияти, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга ошириши; маълумот-ахборот фондларини шакллантириши, ҳисоб-ахборот тизимини яратиши, ҳисобни, давлат статистика ҳисоботини ва бошқа статистика ҳисоботини юритиши; қўриқланаётган шахсларнинг ҳаракатланиш йўналишларида ва бўлиш жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ҳамда уларга чек қўйиши; террорчиликка қарши ва бошқа махсус тезкор-жанговар операциялар ўтказиладиган объект бўсағаларида рухсатсиз киришларга чек қўйиши, назорат-ўтказиш режимини ўрнатиши; Миллий гвардия органларида махфийлик режими таъминланиши устидан назоратни ташкил этиши шарт. Миллий гвардиянинг зиммасида **қонун ҳужжатларига** мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.	статистика ҳисоботини ва бошқа статистика ҳисоботини юритиши; қўриқланаётган шахсларнинг ҳаракатланиш йўналишларида ва бўлиш жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ҳамда уларга чек қўйиши; террорчиликка қарши ва бошқа махсус тезкор-жанговар операциялар ўтказиладиган объект бўсағаларида рухсатсиз киришларга чек қўйиши, назорат-ўтказиш режимини ўрнатиши; Миллий гвардия органларида махфийлик режими таъминланиши устидан назоратни ташкил этиши шарт. Миллий гвардиянинг зиммасида **қонунчилик ҳужжатларига** мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.
32-модда. Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббиёт муассасаларига етказиш, жиноятлар	32-модда. Давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббиёт муассасаларига етказиш, жиноятлар

Старая редакция	Новая редакция
содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориш, ҳодиса жойига етиб олиш учун давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан, бундан чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари мустасно, мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин бўлиб, бунда транспорт воситасидан фойдаланилганлиги фактини тасдиқловчи ва ундан фойдаланган Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) идентификацияловчи ҳужжат берилади. Транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш натижасида етказилган мулкий зарарнинг ўрни **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда Миллий гвардия томонидан қопланади.	содир этишда гумон қилинаётган шахсларни таъқиб қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олиб бориш, ҳодиса жойига етиб олиш учун давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан, бундан чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари мустасно, мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин бўлиб, бунда транспорт воситасидан фойдаланилганлиги фактини тасдиқловчи ва ундан фойдаланган Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) идентификацияловчи ҳужжат берилади. Транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш натижасида етказилган мулкий зарарнинг ўрни **қонунчиликда** белгиланган тартибда Миллий гвардия томонидан қопланади.
33-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) ҳуқуқий ҳимоя қилиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходими) давлат органи вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимояси остида бўлади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходими) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига (командирига) бўйсунади.	33-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) ҳуқуқий ҳимоя қилиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходими) давлат органи вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимояси остида бўлади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходими) хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри бошлиғига (командирига) бўйсунади.

Старая редакция	Новая редакция
Қонун билан тўғридан-тўғри ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний фаолиятига аралашишга, шунингдек Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) қонун билан Миллий гвардия зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходими) ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти ҳақида бирор-бир тушунтиришлар беришга, шунингдек бундай ишлар ҳамда материалларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ишлар ҳамда материалларни танишиб чиқиш учун **қонун ҳужжатларида** назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан бошқача тарзда тақдим этишга мажбур эмас. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўзига нисбатан қабул қилинаётган қарорлар ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) юзасидан Миллий гвардиянинг юқори турувчи мансабдор шахсига белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.	Қонун билан тўғридан-тўғри ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний фаолиятига аралашишга, шунингдек Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисини (ходимини) қонун билан Миллий гвардия зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиси (ходими) ўз иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг моҳияти ҳақида бирор-бир тушунтиришлар беришга, шунингдек бундай ишлар ҳамда материалларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ишлар ҳамда материалларни танишиб чиқиш учун **қонунчиликда** назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан бошқача тарзда тақдим этишга мажбур эмас. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) ўзига нисбатан қабул қилинаётган қарорлар ва ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) юзасидан Миллий гвардиянинг юқори турувчи мансабдор шахсига белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.
34-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ижтимоий ҳимоя қилиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ижтимоий ҳимоя қилиш қуйидагилар орқали таъминланади: соғлиғини сақлаш;	34-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ижтимоий ҳимоя қилиш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ижтимоий ҳимоя қилиш қуйидагилар орқали таъминланади: соғлиғини сақлаш;

Старая редакция	Новая редакция
пул таъминотини тўлаш; уй-жой майдони билан таъминлаш; мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш; хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш; давлат пенсия таъминоти; давлат суғуртаси; ижтимоий ёрдам кўрсатиш. **Қонун ҳужжатларида** Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.	пул таъминотини тўлаш; уй-жой майдони билан таъминлаш; мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш; хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш; давлат пенсия таъминоти; давлат суғуртаси; ижтимоий ёрдам кўрсатиш. **Қонунчилик ҳужжатларида** Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам назарда тутилиши мумкин.
35-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) соғлиғини сақлаш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига, катта офицерлар таркибининг оила аъзоларига (эри, хотини, ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ногирон бўлиб қолган ўн саккиз ёшдан ошган фарзандлари, таълим муассасаларида таълимнинг кундузги шаклида таҳсил олаётган йигирма уч ёшгача бўлган фарзандлари), ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига Миллий гвардиянинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-тиббий муассасалари томонидан бепул тиббий таъминот берилади. Миллий гвардия ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида	35-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) соғлиғини сақлаш Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига, катта офицерлар таркибининг оила аъзоларига (эри, хотини, ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган ўн саккиз ёшдан ошган фарзандлари, таълим муассасаларида таълимнинг кундузги шаклида таҳсил олаётган йигирма уч ёшгача бўлган фарзандлари), ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ва тингловчиларига Миллий гвардиянинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-тиббий муассасалари томонидан бепул тиббий таъминот берилади. Миллий гвардия ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларида

Старая редакция	Новая редакция
қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган тартибда бепул тиббий таъминот берилади. Миллий гвардия пенсионерларига (контракт бўйича собиқ ҳарбий хизматчилар, генераллар ва ходимлар) ҳамда уларнинг оила аъзоларига бепул тиббий таъминот **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда берилади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари), пенсионерлари бир йилда бир марта имтиёзли шартларда санаторий-курорт шароитида даволаниш ҳуқуқига эга. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг), пенсионерларининг ва улар оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар ва асбоб-ускуналар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинади. Зарур бўлган ҳолларда, шошилинч тиббий ёрдам ва режали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) тиббий кўрсатмалар бўйича тиббий ёрдам олиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш Ўзбекистон	**қонунчиликда** ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган тартибда бепул тиббий таъминот берилади. Миллий гвардия пенсионерларига (контракт бўйича собиқ ҳарбий хизматчилар, генераллар ва ходимлар) ҳамда уларнинг оила аъзоларига бепул тиббий таъминот **қонунчиликда** белгиланган тартибда берилади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари), пенсионерлари бир йилда бир марта имтиёзли шартларда санаторий-курорт шароитида даволаниш ҳуқуқига эга. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг), пенсионерларининг ва улар оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган дори воситалари, тиббий буюмлар ва асбоб-ускуналар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинади. Зарур бўлган ҳолларда, шошилинч тиббий ёрдам ва режали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасалари томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) тиббий кўрсатмалар бўйича тиббий ёрдам олиш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юбориш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Махсус комиссияси хулосаси асосида амалга оширилади.

Старая редакция	Новая редакция
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Махсус комиссияси хулосаси асосида амалга оширилади. Ходимларни тиббий текширувдан ва ҳарбий-тиббий экспертизадан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) тиббий-санитария ҳамда санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ҳарбий хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.	Ходимларни тиббий текширувдан ва ҳарбий-тиббий экспертизадан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) тиббий-санитария ҳамда санаторий-курорт таъминотини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ҳарбий хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.
36-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) таъминоти Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда пул, озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминоти билан таъминланади. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини (ходимларини), бундан жисмоний ва юридик шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, кўрсатилган таъминот турлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.	36-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) таъминоти Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) **қонунчиликда** белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда пул, озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминоти билан таъминланади. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларини (ходимларини), бундан жисмоний ва юридик шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, кўрсатилган таъминот турлари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
37-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) уй-жой майдони билан таъминлаш	37-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларини (ходимларини) уй-жой майдони билан таъминлаш

Старая редакция	Новая редакция
Миллий гвардиянинг уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган ҳарбий хизматчилари (ходимлари) белгиланган тартибда уй-жой майдони ва ер участкаси олиш ҳуқуқига эга.	Миллий гвардиянинг уй-жой олишга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож деб топилган ҳарбий хизматчилари (ходимлари) белгиланган тартибда уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга.
Миллий гвардия хизмат уй-жой фондига эга бўлиши мумкин.	Миллий гвардия хизмат уй-жой фондига эга бўлиши мумкин.
Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.	Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) турар жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун **қонунчиликда** белгиланган тартибда ва миқдорларда пуллик компенсация тўланади.
Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар олиш ва якка тартибда уйлар қуриш учун ер участкалари олиш ҳуқуқи берилади.	Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) қонунчиликда белгиланадиган тартибда узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар олиш, шунингдек ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда электрон-онлайн аукционлар воситасида сотиб олиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланиши ҳуқуқи берилади.
Миллий гвардиянинг жанговар ва махсус вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этган ҳамда бунинг оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ҳарбий хизматчиларига (ходимларига), шунингдек Миллий гвардиянинг жанговар вазифаларни бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилари (ходимлари) оила аъзоларига **қонун** ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади, бунда ҳарбий хизматни (хизматни) ўташ жойи бўйича ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) ажратилган уй-	Миллий гвардиянинг жанговар ва махсус вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этган ҳамда бунинг оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган ҳарбий хизматчиларига (ходимларига), шунингдек Миллий гвардиянинг жанговар вазифаларни бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилари (ходимлари) оила аъзоларига **қонунчилик** ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади, бунда ҳарбий хизматни (хизматни) ўташ жойи бўйича ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга)

Старая редакция	Новая редакция
жой майдони мулк ҳуқуқи асосида уларнинг оила аъзоларида қолади.	ажратилган уй-жой майдони мулк ҳуқуқи асосида уларнинг оила аъзоларида қолади.
39-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) давлат пенсия таъминоти Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари), боқувчисини йўқотган тақдирда эса уларнинг оила аъзолари **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга.	39-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) давлат пенсия таъминоти Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари), боқувчисини йўқотган тақдирда эса уларнинг оила аъзолари **қонунчиликда** белгиланган тартибда ва миқдорларда давлат пенсия таъминотини олиш ҳуқуқига эга.
40-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) давлат суғуртаси Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва **қонун ҳужжатларида** тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади	40-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) давлат суғуртаси Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва **қонунчиликда** тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади.
41-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш Миллий гвардиянинг жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этган ҳарбий хизматчиларига (ходимларига), шунингдек жанговар ҳаракатлар чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларига нисбатан тегишинча уруш қатнашчилари ва уларнинг оила аъзолари учун белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади. Миллий гвардия қўмондони хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳатлари олган Миллий гвардия	41-модда. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш Миллий гвардиянинг жанговар ҳаракатларда бевосита иштирок этган ҳарбий хизматчиларига (ходимларига), шунингдек жанговар ҳаракатлар чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларига нисбатан тегишинча уруш қатнашчилари ва уларнинг оила аъзолари учун белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади. Миллий гвардия қўмондони хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳатлари олган Миллий гвардия

Старая редакция	Новая редакция
ҳарбий хизматчиларига (ходимларига), шунингдек ҳалок бўлганларнинг оилаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда бир марталик нафақалар тайинлашга ҳақли. **Қонун** ҳужжатларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) фарзандларига уларни Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда имтиёзлар берилиши мумкин.	ҳарбий хизматчиларига (ходимларига), шунингдек ҳалок бўлганларнинг оилаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда бир марталик нафақалар тайинлашга ҳақли. **Қонунчилик** ҳужжатларида хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) фарзандларига уларни Миллий гвардияга ҳарбий хизматга (хизматга) қабул қилишда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда имтиёзлар берилиши мумкин.
44-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) бошқа органлар ва ташкилотларга тайинланиши (юборилиши) чоғидаги кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига, қарорига, фармойишига, шунингдек розилигига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга тайинланган, худди шунингдек Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан бошқа давлат органларининг таълим муассасаларига ўқиш учун юборилган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими) мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даврида Миллий гвардия кадрларининг амалдаги захирасига киритилиши мумкин. Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) тугатилганидан кейин Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисига (ходимига) илгариги иши (лавозими), ушбу	44-модда. Миллий гвардия ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) бошқа органлар ва ташкилотларга тайинланиши (юборилиши) чоғидаги кафолатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига, қарорига, фармойишига, шунингдек розилигига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бошқа давлат органларига ёки уларнинг тасарруфидаги ташкилотларга тайинланган, худди шунингдек Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан бошқа давлат органларининг таълим муассасаларига ўқиш учун юборилган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси (ходими) мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даврида Миллий гвардия кадрларининг амалдаги захирасига киритилиши мумкин. Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) тугатилганидан кейин Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисига (ходимига) илгариги иши (лавозими), ушбу

Старая редакция	Новая редакция
иш (лавозим) йўқлигида эса унга тенг бошқа иш (лавозим) берилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) ҳарбий (махсус) унвонлар, охирги эгаллаган лавозимидан қатъи назар, белгиланган тартибда берилади. Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даври Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисига (ходимига) белгиланган муддат хизмат қилганлиги учун устама ҳақ тўлаш, навбатдаги ҳарбий (махсус) унвонни бериш ва пенсия тайинлаш учун Миллий гвардиядаги ҳарбий хизмат (хизмат) стажига қўшиб ҳисобланади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ҳарбий хизматдан (хизматдан) бўшатилганда, шунингдек уларнинг оила аъзолари Миллий гвардиядан бўшатилган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) билан тенг равишда ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) **қонун ҳужжатларида** белгиланган тартибда Миллий гвардия қўмондонининг буйруқлари билан тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, Давлат хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг қўшинлари ва органларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ташкил	иш (лавозим) йўқлигида эса унга тенг бошқа иш (лавозим) берилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) ҳарбий (махсус) унвонлар, охирги эгаллаган лавозимидан қатъи назар, белгиланган тартибда берилади. Мажбуриятларни бажариш (ўқиш) даври Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчисига (ходимига) белгиланган муддат хизмат қилганлиги учун устама ҳақ тўлаш, навбатдаги ҳарбий (махсус) унвонни бериш ва пенсия тайинлаш учун Миллий гвардиядаги ҳарбий хизмат (хизмат) стажига қўшиб ҳисобланади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ҳарбий хизматдан (хизматдан) бўшатилганда, шунингдек уларнинг оила аъзолари Миллий гвардиядан бўшатилган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) билан тенг равишда ҳуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) **қонунчиликда** белгиланган тартибда Миллий гвардия қўмондонининг буйруқлари билан тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, Давлат хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг қўшинлари ва органларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан ташкил этиладиган ҳарбийлаштирилган

Старая редакция	Новая редакция
этиладиган ҳарбийлаштирилган тузилмаларга, шунингдек ички ишлар органларига ўтказилиши ҳамда улар Миллий гвардиядаги ҳақиқий ҳарбий хизматга шахсий тартибда тайинланганлиги муносабати билан ёки бундан буён хизматни ўташ учун қайтариб олиниши мумкин.	тузилмаларга, шунингдек ички ишлар органларига ўтказилиши ҳамда улар Миллий гвардиядаги ҳақиқий ҳарбий хизматга шахсий тартибда тайинланганлиги муносабати билан ёки бундан буён хизматни ўташ учун қайтариб олиниши мумкин.
46-модда. Миллий гвардиянинг молиявий ва моддий-техника таъминоти Миллий гвардиянинг молиявий ва моддий-техника таъминоти, бундан жисмоний ва юридик шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва **қонун** ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Миллий гвардиянинг жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган бўлинмалари ушбу шахсларнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади. Миллий гвардия бўлинмаларининг молиявий, моддий-техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий таъминоти ва бошқа таъминот турлари Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланадиган нормалар ҳамда табеллар бўйича амалга оширилади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) бепул формали кийим-бош билан таъминланади. Формали кийим-бошнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан	46-модда. Миллий гвардиянинг молиявий ва моддий-техника таъминоти Миллий гвардиянинг молиявий ва моддий-техника таъминоти, бундан жисмоний ва юридик шахслар билан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиладиган бўлинмалар мустасно, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва **қонунчиликда** тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Миллий гвардиянинг жисмоний ва юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этилган бўлинмалари ушбу шахсларнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади. Миллий гвардия бўлинмаларининг молиявий, моддий-техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий таъминоти ва бошқа таъминот турлари Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланадиган нормалар ҳамда табеллар бўйича амалга оширилади. Миллий гвардиянинг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) бепул формали кийим-бош билан таъминланади. Формали кийим-бошнинг намуналари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

Старая редакция	Новая редакция
белгиланади. Формали кийим-бошни кийиш қоидалари Миллий гвардия томонидан тасдиқланади. Миллий гвардияда бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилади, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби **қонун** ҳужжатларида белгиланади. Миллий гвардия учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш **қонун** ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.	белгиланади. Формали кийим-бошни кийиш қоидалари Миллий гвардия томонидан тасдиқланади. Миллий гвардияда бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилади, уни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби **қонунчилик** ҳужжатларида белгиланади. Миллий гвардия учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш **қонунчилик** ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.
50-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги **қонун** ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.	50-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисидаги **қонунчиликни** бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.
53-модда. **Қонун** ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.	53-модда. **Қонунчиликни** ушбу Қонунга мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Географик кўрсаткичлар тўғрисида	
27-модда. Огоҳлантирувчи тамғалаш Гувоҳнома эгаси географик кўрсаткич билан бир қаторда товарда ёки унинг ўровида қўлланилган белги	27-модда. Огоҳлантирувчи тамғалаш Гувоҳнома эгаси географик кўрсаткич билан бир қаторда товарда ёки унинг ўровида қўлланилган белги

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткич эканлигини билдирадиган, **айлана ичига олинган, лотин алифбосидаги «GI» ҳарфлари тарзидаги** огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин.	Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткич эканлигини билдирадиган огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси товарда ёки унинг ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган географик кўрсаткич эканлигини билдирадиган огоҳлантирувчи тамғанинг шаклини тасдиқлайди**.
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида	
45-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантириш (қайта кўриб чиқиш) Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини транспортда етказиб бериш учун тарифларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқади. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, жорий харажатлар, молиявий харажатлар, солиқлар (сувнинг технологик жиҳатдан нормативдан юқори даражада сарфланганлиги ва йўқотилганлиги учун солиқлардан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек соф фойда суммасидан шакллантирилади.	45-модда. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантириш (қайта кўриб чиқиш) Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан ичимлик суви таъминоти ташкилотлари томонидан ичимлик сувини транспортда етказиб бериш учун тарифларни қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқади. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар маҳсулот таннархига киритилган харажатлар, жорий харажатлар, молиявий харажатлар, солиқлар (сувнинг технологик жиҳатдан нормативдан юқори даражада сарфланганлиги ва йўқотилганлиги учун солиқлардан ташқари) ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек соф фойда суммасидан шакллантирилади.

Старая редакция	Новая редакция
Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантиришда ичимлик суви таъминоти ташкилотларини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун харажатлар ҳисобга олинади. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан транспорт хизматлари учун тарифлар даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар кескин ўзгарган тақдирда, тарифларни ўзгартириш бўйича таклифлар лойиҳаси тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади. Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари жамоатчилик муҳокамаси тугаганидан кейин ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан **ҳудудий монополияга қарши курашиш** ва молия органларига мурожаат қилади. Ҳудудий **монополияга қарши курашиш** ва молия органлари тарифларни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ичимлик суви таъминоти ташкилотига ушбу таклифларни рад этиш, қайта кўриб чиқиш ёки қабул қилиш тўғрисидаги ўз хулосаларини тақдим этади. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар бюджет	Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни шакллантиришда ичимлик суви таъминоти ташкилотларини ривожлантириш ва модернизация қилиш учун харажатлар ҳисобга олинади. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар, шу жумладан транспорт хизматлари учун тарифлар даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар кескин ўзгарган тақдирда, тарифларни ўзгартириш бўйича таклифлар лойиҳаси тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилади. Ичимлик суви таъминоти ташкилотлари жамоатчилик муҳокамаси тугаганидан кейин ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифларни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан ҳудудий **иқтисодиёт** ва молия органларига мурожаат қилади. Ҳудудий **иқтисодиёт** ва молия органлари тарифларни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги таклифлар олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ичимлик суви таъминоти ташкилотига ушбу таклифларни рад этиш, қайта кўриб чиқиш ёки қабул қилиш тўғрисидаги ўз хулосаларини тақдим этади. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш бўйича хизматлар учун тарифлар бюджет параметрлари тасдиқланганидан кейин бир йил давомида

Старая редакция	Новая редакция
параметрлари тасдиқланганидан кейин бир йил давомида қайта кўриб чиқилиши натижасида бюджет ташкилотлари учун зарур бўлган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларидан ажратилади.	қайта кўриб чиқилиши натижасида бюджет ташкилотлари учун зарур бўлган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларидан ажратилади.